




Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



Выпуск №77 (том 1)  
(октябрь, 2025)



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №77 (том 1) (октябрь, 2025).**

**Дата выхода в свет: 31.10.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ СЕВЕРНАЯ ОСЕТИЯ – АЛАНИЯ Хестанова К.В., Джиоева Д.С.	81
ИНТЕГРОДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА- ФРЕДГОЛЬМА Хайдарова О., Хайдарова М.	90
ОДНОЗНАЧНАЯ РАЗРЕШИМОСТЬ ИНТЕГРОФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА Хайдарова О., Хайдарова М.	93
ПОЛЕЗНЫЕ ИСКОПАЕМЫЕ ТУРКМЕНИСТАНА Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё.	96
ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ТРАЕКТОРИЙ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ КОМБИНАТОРИКИ Какалыев Б.А., Аннагылыджова М.Б., Гелдиева Г.А.	99
СИСТЕМА МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ И ЕЁ ПРИЛОЖЕНИЯ Какалыев Б.А., Егендурдыев Г.Х., Аннагылыджова М.Б.	103
УСТАНОВЛЕНИЕ ЖИЛИЩНЫХ СУБСИДИЙ НА ОСНОВАНИИ РЕГИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Гладких У.А.	106
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	114
МАМЛАКАТ АКЦИЯЛАР БОЗОРИДАГИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	121
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ Олтаев Ш.С.	129
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	135
МАМЛАКАТДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИШИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	143
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ВРЕД, ПРИЧИНЕННЫЙ НАРУШЕНИЕМ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Бузмакова Д.С.	148
УДЕРЖАНИЕ ВЕЩИ КАК СПОСОБ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ДОГОВОРАМ АРЕНДЫ ПОМЕЩЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ Васильева О.Р.	157
ТРАДИЦИИ И КУЛЬТУРА – ДУХОВНЫЕ КОРНИ ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Сулейманлы Н., Худайбердыева М.Ч., Мовламов Я., Гельдиев А.	164
ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА АПАРТАМЕНТОВ И ИХ СООТНОШЕНИЕ С ЖИЛЫМИ ПОМЕЩЕНИЯМИ Гоглева А.А., Верхорубов И.Н.	168



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада миллий иқтисодиётда логистика соҳасини молиялаштиришнинг аҳамияти, унинг манбалари ва замонавий усуллари таҳлил қилинган. Муаллиф логистика тизимидаги корхоналарни молиялаштириш иқтисодий фаолликни ошириш, ишлаб чиқариш ва товар айланмасини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлайди. Мақолада давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар, венчур молиялаштириш ҳамда ички ва ташқи манбалар орқали логистика корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, молиялаштириш тизимининг инфляция, фоиз ставкалари ва давлат тартибга солувчи сиёсатлар билан боғлиқлиги, ҳамда логистика саноатида таъминот занжири молиясининг ривожланиш тенденциялари ёритилган.

**Калит сўзлар:** логистика тизими, молиялаштириш, молиявий ресурслар, давлат бюджети, венчур молиялаштириш, таъминот занжири, иқтисодий самарадорлик, инвестиция сиёсати.

Логистика тизимидаги корхоналарни молиялаштириш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунингдек, у молия соҳасидаги давлат сиёсатининг ажралмас элементи вазифасини ҳам бажаради.

Молиявий ресурсларга эга бўлиш тадбиркорлик фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққий этиши кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг илмий-техник ҳолати ва замонавий технологияларни қўллаш жараёнида амалий тадқиқотлар олиб бориш даражасига ва натижада ишлаб чиқарилган



маҳсулотларни муваффақиятли сотиш имкониятларига боғлиқ.

Молиявий ресурслар нафақат тадбиркорларга белгиланган имкониятлардан фойдаланиш имконини беради, балки корхонанинг фойда олиш қобилиятига ҳам ҳисса қўшади.

Логистика тизимидаги корхоналарни молиялаштиришнинг асосий манбалари ва шакллари қаторига қуйидагилар киради:

биринчидан, давлат бюджети орқали субсидиялаш - ушбу ҳолда молиявий ажратмалар минтақавий ва ҳудудий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади;

иккинчидан, ҳукумат давлат бюджетидан логистика тизимида зарур маблағлар ажратган ҳолда, барча логистика жараёнларни тезлаштириш, шунингдек, уларни тўғри йўналишга йўналтириш имкониятини яратади. Бюджетдан ташқари субсидияларга турли бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари, шунингдек логистика корхоналарнинг шахсий маблағлари, уларда мавжуд ресурслари киради;

учинчидан, венчур молиялаштириш - бу ҳар хил турдаги инновациялар, жумладан, энг янги технологиялар учун маблағ ажратишдир. Ҳозирги кунда логистика тизимида венчур молиялаштиришдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бунда венчур молиялаштириш максимал хавфни ўз зиммасига олади, лекин шу билан бирга, корхона учун максимал фойда бўлиши ҳам мумкин. Логистика тизимидаги корхоналарни

молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади.

Ўз навбатида, логистика корхоналарни молиялаштиришнинг узок муддатли стратегияларни амалга оширишда, яъни молиявий ресурсларга эҳтиёжлари белгиланиб, пул оқимлари режаси тузилади ва у қуйидагича аниқланади (1-расмга қаранг).

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда логистика корхоналарини молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, корхоналарни молиялаштиришда умумий молиявий ресурслари ҳажмида ички ва ташқи манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив



омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради.

Шунингдек, логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий ресурслари, моддий ва меҳнат ресурсларидан фарқли равишда, ўзаро алмашинувчанлиги ва инфляция ва девалвацияга мойиллиги билан ажралиб туради.

Логистика корхоналарнинг молиялаштириш манбалари корхонани унинг умумий мақсадларига эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир.

Молиялаштириш манбалари бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизимдир, иккинчи томондан эса, корхонани молиявий бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатидаги бошқарув тизимидир.

Логистика корхонасини молиялаштириш тизим сифатида, молиявий солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари ва давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига берилувчан бўлади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида молиявий бозорлардан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг кенг усуллари ва инструментлари мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида логистика корхоналари молиялаштириш муқобил хилма хил вариантлари амал қилишига шарт-шароит яратмоқда.

<sup>69</sup> Муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди.

Умуман олганда, логистика корхоналарининг иқтисодий даромадлилик даражаси ҳар қандай корхона сингари логистика корхоналари учун ҳам асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Логистика саноати таъминот занжири молияси, ривожланаётган молиялаштириш усули сифатида, таъминот занжиридаги барча томонларнинг капитал айланмаси муаммоларини яхши ҳал қилишни таъминлайди, бу кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштиришдаги қийинчиликларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Логистика таъминот занжирида асосий тугун сифатида омборхона ва логистика корхоналари алоҳида мавқега эга.

Логистика тизимини самарали молиялаштириш орқали улар фаолиятини



ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти ижтимоий аҳамиятга эга товарлар, масалан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари мамлакат ичида тезроқ ва арзонроқ нархда ҳаракатланишини сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказишни молиявий негизини яратади.

Хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини тасдиқлашча, молиявий бозорлар ва улардаги молиявий инструментларнинг кенг спектрдаги ривожланиши, барча тадбиркорлик субъектлари қатори логистик хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий ва айланма фондларини молиялаштиришнинг замонавий усулларини муқобил вариантларидан фойдаланиш имкониятларини яратмоқда.

**Муҳокама.** Логистика соҳаси миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва маҳсулотлар айланмасининг самарадорлигини таъминлашда муҳим звено ҳисобланади. Бугунги кунда логистика тизимини молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш орқали нафақат товар ва хизматлар ҳаракатини тезлаштириш, балки тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳам мумкин. Молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хусусий сектор маблағлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, венчур молиялаштириш ва молиявий бозор инструментларидан фойдаланиш логистика корхоналарида инновацияларни жорий этиш ва рақобатбардошликни ошириш имконини яратади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, логистика тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш узоқ муддатли иқтисодий самара беради. Таъминот занжири молиясини жорий этиш кичик ва ўрта корхоналар учун пул айланмаси муаммоларини ҳал этишда муҳим восита ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, молиялаштириш тизимида ички ва ташқи манбалар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, хатарларни бошқариш ва пул оқимлари режасини аниқ белгилаш долзарб вазифадир.

**Хулоса.** Миллий иқтисодиётда логистика соҳасини самарали молиялаштириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.



Молиялаштириш манбаларининг диверсификацияси, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ҳамда венчур капиталдан фойдаланиш логистика инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, таъминот занжири молиясини кенг жорий этиш орқали кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, товар айланмасини тезлаштириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мумкин. Шу боисдан логистика корхоналарини молиялаштириш миллий иқтисодиётда инвестицион муҳитни яхшилаш ва инновацион ривожланишни рағбатлантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Карпова Н.П., Евтодиева Т.Е. Логистические инновации: сущность, виды и способы финансирования // Экономика, предпринимательство и право. - 2020. - Том 10. - № 7. - С. 20632072.
2. Ко, Е. J., McKelvie, A. 2018. Signaling for more money: The roles of founders' human capital and investor prominence in resource acquisition across different stages of firm development. Journal of Business Venturing, 33: 438-454.
3. Shane, S. A. 2003. A general theory of entrepreneurship: The individual-opportunity nexus. Northampton, MA: Edward Elgar.
4. Махмудов, С. (2023). АНАЛИЗ ДИНАМИКИ СОСТАВА АКТИВОВ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 11(1), 105-117. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss1/a12](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a12)
5. Махмудов, С. (2022). ОЦЕНКА РОЛИ СФЕРЫ ЛОГИСТИКА В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ. Экономика и образование, 23(4), 296-307. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/600>
6. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
7. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to diversify and improve the



quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>

8. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>

9. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

10. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>

11. Shavkat Oltaev. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

12. Shavkat Oltaev. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>

© Олтаев Ш.С., 2025